

# **“Навоийуран” Давлат корхонаси фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш УСЛУБИЁТИ**

Мазкур Услубиёт “Навоийуран” Давлат корхонасининг (бундан буён матнда Корхона деб юритилади) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

## **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Корхонанинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

Корхонанинг коррупциявий хавф-хатарга энг қўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қўйидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутади:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;

коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати;

коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри.

3. Ушбу Услубиётда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Коррупциявий хавф-хатар** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишида мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

**коррупциявий хавф-хатарлар харитаси** - корхона фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** - корхонанинг фаолиятини (вазифа ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

**қолдиқ хавф-хатар** - аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

**маҳсус бўлинма** – корхонанинг комплаенс назорат бўлими;

**ишли гурӯҳ** – корхона коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун

тузиладиган ходимлар таркиби.

4. Корхона томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 10 марта қадар амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан (бундан бўён матнда Агентлик деб юритилади) корхонанинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилиши мумкин.

## **2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш**

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш корхона бошқармасининг барча бўлинмаларини ва бўлимларини қамраб олиши лозим.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш маҳсус бўлинма ёки ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

7. Ишчи гуруҳ аъзолари корхонанинг таркибий бошқарма ва бўлимлари масъул ходимларидан иборат таркибда ташкил этилади.

Бош директор томонидан ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланади ҳамда унинг фаолияти мувофиқлаштирилади.

8. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда корхона бошқармасининг ишчи гуруҳ томонидан қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

корхонанинг тузилмасига киравчи бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида давлат корхонасининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштириш.

9. Корхонанинг тузилмасига киравчи корхоналарда Ишчи гуруҳ қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш;

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиш.

## **3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби**

10. Ишчи гуруҳ томонидан корхона фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) тавсифи ушбу Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда

тузилади.

11. Корхона фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

12. Ички ахборот манбалари қўйидагилардан иборат:

Корхона фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ҳуқуқий асоси;

ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

Ишчи гурӯҳ томонидан корхона фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

13. Ташқи ахборот манбалари қўйидагилардан иборат:

Корхона фаолияти тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

агентлик ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан давлат корхонаси фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

14. Ишчи гурӯҳ корхонанинг фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қўйидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

Корхонанинг ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

корхона томонидан фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қиласлиқ, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

хужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғаймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

15. Корхона фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қўйидаги ўлчовларда баҳоланади:

Паст;

Ўрта;

Юқори.

16. Ишчи гурӯҳ томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

#### **4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари**

17. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва давлат корхонаси фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

корхона фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини қўриш;

корхона ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида корхона томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

корхона томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик сұхбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш.

корхона коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 16-бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

19. Корхона бошқармасининг Ишчи гурухи томонидан мазкур Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда бошқарманинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

20. Корхонанинг тузилмасига кирувчи бўлинмалар томонидан ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари ва мазкур Услубиётнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқилади.

Бунда, мазкур лойиҳалар корхона бошқармасининг Ишчи гуруҳига умумлаштириш учун тақдим қилинади.

21. Корхона бошқармасининг Ишчи гурухи томонидан корхона фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида корхонанинг умумлаштирилган

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади ва “E-anticor.uz” электрон платформасига ҳар йили 10 февралга қадар киритилади.

22. Корхона бошқармасининг Ишчи гурухи томонидан “E-anticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда қуидаги хужжатлар шакллантирилади;

корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

корхонанинг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати.

### **5-боб. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби**

23. Агентлик томонидан “E-anticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари асосида автоматик равишда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилади.

24. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри лойиҳаси агентлик томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун ўн туққиз кундан кам бўлмаган муддатга “E- anticor.uz” веб-сайтига жойлаштирилади.

25. Агентлик жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича умумлаштирилган таклифларни муҳокама якунланган кундан бошлаб ўн беш кун ичida “E-anticor.uz” электрон платформаси орқали давлат корхонасига юборади.

26. Корхона бошқармасининг Ишчи гурухи агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури лойиҳаларини такомиллаштиради.

27. Бош директор ҳар йили 10 марта қадар коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини “E-anticor.uz” электрон платформаси орқали тасдиқлайди.

### **6-боб. Якуний қоидалар**

28. Ушбу Услубиёт Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

29. Мазкур Услубиёт талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

# “Навоийуран” Давлат корхонаси фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниклаш ва баҳолаш Услубиётига 1-Илова

# **Корхона фаолиятиининг (вазифа ва функцияларининг) ТАВСИФИ**



“Навоийуран” Давлат корхонаси  
фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни  
аниқлаш ва баҳолаш Услубиётига  
2-Илова

## Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича МЕЗОНЛАР

<b>Коррупциявий хавф-хатар даражаси</b>	<b>Мезонлар</b>
Юқори*	<p>корхона фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган</p> <p>корхона фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солинмаган</p> <p>назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд</p> <p>корхона фаолияти (вазифа ва функция) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда бир шахс иштирок этиши</p> <p>корхона фаолиятини (вазифа ва функцияни) бажаришда коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)</p>
Ўрта*	<p>корхона фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган</p> <p>корхона фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган</p> <p>назорат тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд</p> <p>корхона фаолиятини (вазифа ва функцияни) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда иккита шахс иштирок этиши</p> <p>корхона фаолияти (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)</p>
Паст†	<p>корхона фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган</p> <p>корхона фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган</p> <p>жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас</p> <p>корхона фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши</p> <p>коррупциявий хатти-ҳаракат ва коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас</p>

\* Ишчи гурӯҳ томонидан Корхона фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган хавф-хатарнинг “Юқори” ёки “Ўрта” даражада деб баҳолаш бош директор билан келишган ҳолда амалга оширилади.

† Корхона фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда “Паст” даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.

“Навоийуран” Давлат корхонаси фаолиятида  
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш  
ва баҳолаш Услубиётига  
3-Илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Навоийуран” бош директори  
Дж.С.Файзуллаев

“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2023 йил

**“Навоийуран” Давлат корхонаси фолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг  
ХАРИТАСИ**

T/p	Коррупциявий хавф-хатарнинг гавсифи	Коррупциявий хавф-хагарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим	Функцияларни (жараёнларни) гаргибга солувчи механизм	Коррупциявий хавф-хагарларни баргараф эгиш чоралари	Қолдик коррупциявий хавф-хагар даражаси (пасг, ўрга, юқори)	Масъул ижрочилар
	1. Таркибий бўлинманинг номи*						
1.	1. Бўлим функцияси номи						
	1. Функцияга оид муносабаг номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						
	2. Таркибий бўлинманинг номи*						
2.	1. Бўлинма функцияси номи						
	1. Функцияга оид муносабаг номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						

“Навоийуран” Давлат корхонаси фаолиятида  
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш  
ва баҳолаш Услубиётига  
4-Илова

## Корхонанинг коррупцияга қарши қурашиш ДАСТУРИ

T/p	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.				
2.				